

Ўзбекистон қийноқдан воз кечмоқчими?

🕒 31 декабр 2015



🔗 Баҳам кўринг



Мустақиллик йилларида Ўзбекистон МХХ ва милиция мамлакатига айлангани айтилади.

Қарши шаҳрида 13 нафар милиция ходими ҳибсдаги гумонланувчини қийнаб, таҳқирлагани учун узоқ йилларга ҳукм этиларкан, бу хабар Ўзбекистон ҳукумати қийноқларни тўхтатиш учун астойдил кураш бошлагани, деган саволларни туғдирмоқда.

"Ўзбекистонда қийноқларни тўхтатиш учун муайян ҳаракатлар бор ва баъзида қийноқ қўллаган милиция ходимлари жазоланиб туради" - дейди Тошкентдан ҳуқуқбон Сураат Икромов.

"Аmmo ҳали йирик қадамлар қўйилмади, аксар қийноқлар ошкор бўлмай қолиб кетади ва милицияга оид қонун янги йилда қабул қилиниши ҳам

номаълум".

Калтаклаш ва зўрлаш

Ўзбекистон МХХ ва милицияси қўлга олинган одамларни ақл бовар қилмас қийноқларга тутиши халқаро ташкилотлар ҳисоботларига бот-бот такрорланади.

Айрим ҳолатлар эса БМТ тарафидан ҳам тан олинган. Лекин Ўзбекистон қийноқ иддаоларини рад этиб келади.

Масалан, бир неча йил олдин Фарғонада ҳибсга олинган Муҳайё Одированинг тергов изоляторида зўрлагани ёки Тошкентда уч опа-сингилнинг бир неча нафар милиция ходими тарафидан жинсий таҳқирлангани ҳақидаги даъволар, халқаро миқёсда қаттиқ қораланган.

Баъзи ҳолатларда маҳкумалар ҳомиладор бўлиб қолганига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати ўз текширувлари бундай ҳолатлар бўлмаганини аниқлаганини айтиб келади.

Қийноқ ва номусга тажовуз ҳолларини ўрганиш истагидаги БМТ олий мутахассисларининг мамлакатга бориб, вазиятни ўрганишига эса Ўзбекистон рухсат бермаган.

Бир неча йил Ўзбекистон қамоқхонасида қолиб, саломатлигини йўқотган ва озодликка чиқиши ортидан Францияга кетган фаол Мўътабар Тожибоева ҳам қамоқхонада ўзининг қийноқларга тутилганини айтган.

Ўз вақтида бу борада Би-би-сига гапирган фаолга кўра, уни камерада уч киши номусига теккан.

Сўнгги ҳолатлардан бирида эса хорижий давлат ҳисобига жосуслик қилиш ҳамда дам савдоси билан шуғулланишга оид айблар билан қўлга олинган ҳарбий Каюм Ортиқов ўзининг ўта шафқатсиз қийноқларга солинганини айтганди.

Ўзбекистонлик фаолларга кўра, қийноқ усуллари ҳамон давом этмоқда.

Қийноқсиз йил бошланмоқдами?

Ўзбекистонда шу пайтгача милиция ҳақида қонун бўлмасдан, ҳукумат энди янги қонун қабул қилмоқчи.



Ўзбекистонда капалақдек осиб қўйиш, елим бутилка билан уриш, қайноқ сув қуйиш, эркакларни тўқмоқ билан таҳқирлаш, аёлларни эса зўрлаш каби қийноқ усуллари борлиги айтилади.

"Келаётган йил мабодо бу қонун қабул қилинса, жуда кўп нарса яхши тарафга ўзгаради" - дейди Сурат Икромов умидворлик билан - "Аммо нафақат милиция, балки МХХ, суд ва прокуратурани ҳам ислоҳ қилиш керак".

Суҳбатдошимизга кўра, анча йиллар олдин хорижий мутахассислар кузатув камералари келтириб, уларни қаерда ўрнатиш борасида қизиқишган.

"Ўшанда илк бора тергов ҳибсхоналари ҳамда маҳкама заллари учун камералар кераклигини айтганман" - дейди ҳуқуқбон.

"Бироқ Ўзбекистон ҳукумати бунга рухсат бермаган".

"Ҳукумат мухолифат вакиллари, журналист ва диндорларни махсус буюртма билан қаматиб туради, кузатув камералари эса бундайин буюртма ишларга тўғаноқ бўлади".

Фаолларга кўра, Қаршидаги қийноқ ва гумонланувчи эркакни жинсий таҳқирлаш ҳолати тезда ошкор бўлиб қолган. Шу боис ҳам айбдорлар жазоланган.

Кўздан панада

Лекин Ўзбекистоннинг ташқи дунёдан узилган ва ёпиқ тергов ҳибсхоналарида гумонланувчилар ҳафталаб ва ҳатто ойлаб бирон яқинлари ёки ҳимоячилари билан кўриша олишмайди.

Улар қийноққа тутилган ҳолатда ҳам токи бу маҳбус бошидан ўтганини бировга айтиб бериш имконига эга бўлгунича, вақт ўтади ва қийноқни исботлаш имкони йўққа чиқади.

"Агар ҳибсдаги одам қийноққа тутилгани ҳақида ўшв ердаги бирон милиция вакили ёки шифокор ташқарига хабар бермаса, уни аниқлаб бўлмайди" - дейди Сурат Икромов.

"Шу боис ҳам қатор қийноқ ҳолатлари бизга ёки халқаро матбуотга етиб боргунича вақт ўтади, уни исботлаб бўлмайди. Биз фақатгина у ҳақида гапиришимиз мумкин".

"Аммо Ўзбекистон халқаро майдонда шафқатсиз қийноқларни қўллайди, деган танқидларга тутилмоқда ва ҳукумат ҳам ўзининг жуда хунук ҳолатда қолаётганини билади" - дейди Сурат Икромов.

"Шу учун ҳам нимадир қилмаса бўлмаслигини, қийноқларни тўхтатиш учун саъй-ҳаракат зарурлигини тушунишмоқда".

Аммо Ўзбекистон ҳали бу соҳада кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширмади.

Шу боис дунёда қачон қийноқлар ҳақида гап кетса, Ўзбекистон ҳамон энг шафқатсиз ва золим тузумлардан бири сифатида тилга олинади.

Би-би-си Ўзбек хизмати билан Whatsapp, Telegram ва Viber орқали боғланишни истасангиз, телефонимиз: +44 78-58-86-00-02.

ТЕЛЕГРАМДА ЭСА каналимиз - <https://telegram.me/bbcuzbek> ёки BBCUZBEK

Instagram - BBC UZBEK

Twitter - BBC UZBEK

Odnoklassniki - BBC UZBEK

Facebook- BBC UZBEK

Google+ BBC UZBEK

YouTube - BBCUZBEK (<https://www.youtube.com/user/bbcuzbek>)

Skype - bbcuzbekradio

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



Бу мавзуда батафсилроқ

Amnesty International: Ўзбекистонда 6 минг қийноқ қурбони бор

13 Май 2014

Амнести: "СНБдан ҳеч ким ҳали айбсиз чиқмаган"

15 Апрель 2015

Чироқчи Ички Ишлар бўлимида 32 ёшли йигит қийноқлардан вафот этган

30 Июнь 2013

Фахриддин Тиллаев Қаршидаги қамоқхонада қийноққа солинмоқда

18 Ноябрь 2014

'Мени Муҳаммад Солиҳга қарши кўрсатма беришга мажбурлаганлар'

17 Апрель 2015

Ўзбекистон: Қийноқларни тақиқловчи қонун кучга кирди

22 Январ 2014

Ўзбекистон ҳукумати: 'Қаюм Ортиқов қийноқ қурбони эмас'

1 Май 2014

Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



**Жаҳон Чемпионати-2018:
Ким ғалаба қилади? BBC
News ўйини билан бир
башорат қилиб кўринг**



**Москвадаги ўзбеклар:
“Пулсиз қолдик, қарзга
ботдик...”**



**Собиқ уйсиз дунёни
очликдан қандай
қутқармоқчи?**



**Дунёда мисли кўрилмаган
тажриба: Ўзбекистон Орол
денгизи тубини ўрмонга
айлантирмоқда**



**Инглизча «дунёнинг
севимли тили» бўлиб қола
оладими?**



**Рўзанинг танамизга
таъсирини биласизми?**



**Би-Би-Си охири замон
ҳақида хабар берди(ми?)**

Энг кўп ўқилган

Каттақўрғон милицияси раҳбарларига чора кўрилди

1

"Менинг исмим Жиход"

2

Россия, Москва, футбол, ЖЧ-2018: Франция жаҳон чемпиони

3

Ўзбекистон E-Visa тизими ишга туширилди

4

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



RSS

Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**